

Куръон Карим узлуксиз эмас, балки 23 йил мобайнида таркок холда тушди. Гоҳо бир оят, айрим ҳолларда ўнтагача оят кетма-кет ваҳий орқали нозил бўлди.

Бунинг сабаби шундаки, Куръон оятлари кишиларга яхшироқ сингиши ва калбларга жо бўлиши назарда тутилган, қолаверса, атроф-мухит воқеалари, шарт-шароит ҳисобга олинган оятларнинг ҳужжат сифатида эътиборга тушиши ва мўъжизакор қуввати шунга қараб ортган.

Башарти Куръон оятлари таркок холда эмас, балки пайдарпай тушган тақдирда ҳам кишиларда «биз бунчалик кўп йўл-йўриқларни бажара олмаймиз» деган баҳоналар тугилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Куръони Каримнинг тушиш тартиби одамларни ана шундай малолликдан ҳалос этган.

Куръони Каримнинг таркок тушишида ҳикмат кўп. Чунончи ҳар қандай халқ аждодларидан ўтиб келган ва ўзи яшаётган тартиботлар, урф-одатлар ва расм-русумлардан бирданига воз кечиб юбормайди. Бу аста-секинлик билан содир бўладиган жараён дир. Куръон оятларининг таркок холда ва кун, йиллар мобайнида тушишида ҳамда Исломиё тартиб-қоидалар кишилар ҳаётида қарор топа боришида ҳам ушбу омил ҳисобга олинган.

Оятларнинг таркок тушишидаги сўнги ҳикматуни ёд олувчиларга (ҳусусан хат-саводи бўлмаган саҳобалар учун) мушкуллик тугдирмаслиги ҳисобга олинган.

Ёр юзидаги ҳеч бир халқ ўзида мавжуд бирор қитобида ё оғзаки ижодида Куръон сураларига ўхшаш бирорта сура келтиришга ожизлиги Куръони Карим ҳақиқатдан Аллоҳнинг қаломи эканига яна бир далил дир.

Куръон тушишидан олдин ва ҳусусан Куръон тушаётган пайтда арабларда сўз санъати – адабиёт (шеърият), ваъзхонлик бениҳоя олий даражада эди. Улар йил мобайнида бир неча сайл ва маросимлар ташкил этишар эди. Ҳусусан, Уқоз деган жойда шеъرخонлик ва ваъзхонлик бобида қатта-қатта мусобақалар ўтказилар, нуфузли хайъат аъзолари ҳақамлигида қолиблар аниқланар эди.

Араблар бу қадар сўз санъатини улуглашининг, маҳоратлари даражаси улканлигининг икки сабаби бор эди:

1. Одатда саҳро ҳаёти кишиларни ҳаёлчанликка ундайди, воқелиқни шоирона идрок этиш эса ҳаёлчанлик мевасидир. Араблар шундай шароитда яшаганлар.

2. Айни чоғда улар қабил-қабил бўлиб яшаганлар. Бу тарзда ҳаёт кечириш ўзаро уруш, зиддият, тортишувларсиз бўлиши мумкин эмаслиги табиий.

Яъни ҳар бир қабил қўшни қабилга нисбатан (орада жанжалли низо бўлмаган тақдирда ҳам) ўз қадр-қимматини сақлашга, ўз фаҳри-ифтиҳорини кўз-кўз қилишга интилан. Бундай устунликнинг ягона йўли сўзга чечанлик, шоирлик эди. Мушоира устига мушоиралар, мубоҳасалар изидан мубоҳасалар, турган гап, сўз санъатини олий мақомларга кўтараверган. Айни чоғда, сўз санъати сохиблари ниҳоятда қадрланган, эъзозланган.

Куръони Каримнинг сеҳрли оятлари ана шундай тарзда яшаётган бир халқ ҳузурига тушишга раво қўрилди. Арабистон ярим ороли халқлари Аллоҳ таоло қаломини биринчи бўлиб ўз қалбларига жо этдилар.

Шу ўринда мантик ила курулланган тафаккуримизни ишга солайлик-да, «Башарти Аллохнинг сўзлари юкорида биз айтиб ўтган даражадаги сўз сеҳргарларини лол колдирмаса Куръон Карим бу даражада муваффакият козона олармиди?» деган саволни ўртага ташлайлик-чи?! Куръон Карим суралари арабларнинг хассос шоирларини ҳам лол колдирмадими?!

Ха, энг мумтоз сўз сохиблари ҳам Куръон Карим оятларининг битмас-туганмас мўъжизаси олдида бош эгдилар. Тиллари лол колди уларнинг.

Табиий, илохий оятларни ҳамма бирдан ва бирдек кабул килмади. Кофирларнинг етакчилари янги динга ва Мухаммад (алайхиссалом)нинг пайгамбарлигига Иймон кел-тирмадилар ва бунга карши турли каршиликлар кўрсатдилар: гоҳ «Куръони Каримни оддий шеър» дедилар, гоҳ «кадимги халқлар афсоналари» дедилар. Мухаммад (алайхиссалом)ни эса дам телбага, дам фолбинга чикардилар.

Лекин бунаканги хар кандай харакат зое кетаверди.

Кези келганда яна бир далил келтирсак: арабларнинг сўзга чечанлигини айтдик.

Хусусан, суҳандонликда «елкаси ер искамаслиги учун сўнгсиз мубохасаю мушоирадан кайтмайдиган шоиру ваъзхонлар ўзларига рўпара келадиган ракибни енгиш учун доимо имкон ва махорат топганлар. Шундай экан, Куръони Карим ҳам уларга бир ракиб маъносида тушди-ку! Нега улар Куръон сураларидан ўтказиб бирор жумла ясай олмадилар? Нега энди уларнинг ижодий салохияти Куръони Карим чакириклари олдида бу кадар ожизлик килиб колди? Нега энди кейинчалик учраган бирор бузгунчи: «Агар араблар истасалар, Куръонга тенглашадиган китоб яратар эди», деган даъво билан бош кўтармади? Нега шундай?

Бу борада ҳам адолат Куръон тарафида. Зеро, Аллох даставвал араблардан Куръон сингари бир нарса ижод этишни талаб килди. Мазкур талаб Куръони Каримнинг ушбу сўзларида мужассам: **«Сен: «Агар ростгўйлардан бўлсангиз, Аллохнинг хузуридаги у иккисидан кўра тўғрирок бир китоб келтиринг, мен унга эргашаман», дегин. Агар сенга жавоб бера олмасалар, бас, билгинки, улар факат хавои нафсларига эргашмокдалар, холос. Аллохдан бўлган хидоятсиз, ўз хавои нафсига эргаш-гандан кўра ҳам гумрохрок кимса борми?! Албатта, Аллох золим кавмларни хидоят килмас** » («Касас» сураси, 49 -50-оятлар).

Ушбу оят Куръони Каримдан 47 та сура тушган вақтда нозил бўлган. Уни эшитган араблар Куръонга бас келадиган китоб яратиш тараддудига тушганлар, бироқ харчанд уринмасинлар бунинг уддасидан чиқолмаганлар. Куръони Каримнинг «Исро» сурасида айна шу ҳолат алоҳида таъкидланган, яъни одамлар хатто жинлар билан бирлашган тақдирда ҳам Куръонга бас келадиган китоб ярата олмаслиги баён килинган.

«Агар инсу жинлар тўпланиб, ушбу Куръонга ўхшаш нарса келтирмокчи бўлсалар, бунда баъзилари баъзиларга ёрдамчи бўлсалар ҳам, унга ўхшашини келтира олмаслар » («Исро» сураси, 88-оят).

Куръони Каримнинг адолатпарварлигини, Аллох мархаматининг чексизлигини кўринки, Куръони Каримдаги ушбу таъкиддан сўнг иккинчи боскичда кишиларда янада ортикча шубҳа-гумон колмаслиги учун уларни холис «имтихонга» чорлайди. Яъни «Худ» сурасида тубандаги оятларни ўқиймиз: **«Ёки: «Ўзи тўкиб олди», дерларми? Сен: «Бас, агар ростгўй бўлсаларингиз, Аллохдан бошка кимни чакиришга кодир бўлсангиз, чакириб, бунга ўхшаш ўнта тўкилган сура келтиринг-чи?!»»** дегин. Агар жавоб бера олмасалар, бас, билингики, у факатгина Аллохнинг илми ила нозил килингандир. Ундан ўзга бирон илох йўқдир. Энди мусулмон бўларсизлар?!

» (13-14-оятлар).

Табиий, шубха-гумон эгалари Куръони Каримнинг бу шарти олдида ҳам ожиз эканликларига ўзлари амин бўлдилар.

Учинчи боскичда Куръони Карим улардан битта сура келтиришни талаб килди. «Бакара» сурасида Аллох таоло бу ҳақда шундай дейди: **«Ва агар бандамизга туширилган нарсамизга шакинғиз бўлса, унга ўхшаш бир сура келтиринг ва рост сўзловчилардан бўлсанғиз, Аллохдан ўзга гувоҳларинғизни чакиринг. Бас, агар кила олмасанғлар, ҳеч қачон кила олмайсизлар ҳам, ёкилғиси одамлар ва тош бўлган, кофирлар учун тайёрланган ўтдан кўркинғлар**

» (23 – 24-оятлар).

Бундай сўзларни одамларга қарата баралла айтишга ёлғиз Аллохгина кодир! Ўз бандаларининг ижодий салоҳиятини билган Аллохгина шундай қарорга келган ва уни баралла эълон қилган.

Мана, Куръони Карим нозил бўлгандан буён неча асрлар ортда қолди, бу фоний дунёдан не-не уламою фузалолар, шоиру давронлар яшаб ўтмади, лекин биронта инсон фарзанди Куръони Карим оятларининг охорини тўқадиган сўз ижод қилолмади, билъакс Куръон мўъжизалари тан олинаверди.

Куръони Каримнинг мўъжизаси фақат араб тили балогат ва фасохати билан чекланиб қолмаган. Ўша Куръони Карим нозил бўлиб турган пайтдаги одамларни лол қолдириш учун бошқа мўъжизалар ҳам келтирилган. Буларнинг ичида келажак ишлар ҳақида хабар бериш мўъжизаси ҳам бор эди. Биргина мисол келтирайлик.

Аллох таоло «Рум» сурасида қуйидагиларни айтади: **«Алиф. Лам. Мийм. Рум мағлуб бўлди. Яқин ерда. Ва улар мағлубиятларидан кейин тезда қолиб бўлажақлар. Санокли йилларда. Ундан олдин ҳам, кейин ҳам барча иш Аллохдандир. Ўша қунда мўминлар шодланурлар. Аллохнинг нусратидан. У хоҳлаганига нусрат берур. Ва У азизу роҳиймдир**

» (1-5 оятлар).

Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) пайгамбарликларининг бешинчи йили (613 милодий) Рум ва Форс императорликлари орасида жуда катта ва қонли уруш рўй берди. Ўша пайтда Форсга Хусрав II, Румга Херакл подшоҳлик қиларди. Бу икки давлатнинг ўзига яраша ерлари, аскарий қуч-қувватлари бор эди. Ўша даврда Фаластин, Сурия, Миср, Ироқнинг бир қисми ва Кичик Осиё Румга тобе эди. Мазкур урушда форслиқлар Румга икки томондан ҳужум қилдилар. Дажла ва Фурот дарёлари бўйлаб Сурия ерларига, Озарбойжон ва Арманистон тарафдан Кичик Осиёга бостириб қирдилар. Форс лашқарлари Рум қучларини икки жабҳада ҳам енгиб, денғизгача таъқиб этиб бордилар. Улар Суриядаги насороларнинг барча муқаддас шаҳарларини эгалладилар. 614 милодий йилида бутун Фаластинни, жумладан, Қуддусни ҳам қўлга олдилар. Уруш давомида барча қанисалар йикитилди, диний бинолар хароб этилди. Форслиқлар йигирма олти минг яҳудийни ва олтмиш мингдан зиёд христианны қилчдан ўтқаздилар. Форс подшоҳи саройига ўлдирилган одамлардан ўттиз мингининг қалласи келтирилди. Уруш ҳаракатлари Мисрга ҳам этиб борди. 616 милодий йилида форслиқлар Нил водийсини ишғол қилдилар. Сўнгра Искандарияга юриш этдилар. Бошқа томондан эса бутун Кичик Осиёни қўлга қиритиб, ўша пайтдаги Рум пойтахти Қустантаняга (Константинополга) унинг олдидаги бўғозга этиб қилдилар. Форслиқлар қаерни босиб олсалар, у ерда оташпарастлик ибодатхонаси қураб ва шу йўл билан христианлик ўрнига оташпарастликни жорий қилар эдилар. Бу катта мағлубиятдан сўнг Рум императорлиғига қарашли бир қанча вилоят ва ўлкаларда марказий давлатга қарши исён

кўтарилди. Африко ва Оврупадаги бир канча ўлкалар, хатто пойтахтга кўшни баъзи ўлкалар ҳам империя қармоғидан чиққанларини эълон қилди. Қисқаси, шарқий Рум императорлиги парчаланди. Лашкар тарқалиб кетди. Ҳазина бўшаб қолди. Император Херакл пойтахтни тарқ этиб, Қартажага қочди. Галабадан сархуш бўлган форсликлар бирканча шартларни қўйдилар. Император форсликларга, жумладан, минг юк тилло, минг юк қумуш, минг юк ипак, минг от, мингта аёл бериши шарт эди. Рум императорлиги бу талабларнинг ҳаммасини сўзсиз қабул қилди. Ўзаро шартнома имзоланди. Румликларнинг вакиллари тўловларни тўлашга розилиklarини билдириш учун Хусравнинг олдига қирғанларида, у: «Бу етарли эмас, Император Херакл ўзи занжирбанд ҳолда келиб, хочга осилган худосини қўйиб, оташга ва қуёшга топинишини истаймэн», деди.

Мана шунақа ишлар бўлиб ўтди.

Хуллас, румликларнинг мағлубиятини эшитган Макка мушриклари чексиз қувондилар ва мусулмонларга: «Сиз ва румликлар аҳли китобсизлар, биз ва форсликлар аҳли китоб эмасмиз, бизнинг шерикларимиз сизнинг шерикларингизни енгди, энди биз ҳам сизларни енгамиз», дедилар.

Ана шунда Аллох таоло Рум сурасининг аввалги оятларини нозил қилди.

БИСМИЛЛАХИР РОХМАНИР РОХИЙМ

Алиф. Лам. Мийм. Рум мағлуб бўлди. Яқин ерда. Ва улар мағлубиятларидан кейин тезда голиб бўлажаклар. Санокли йилларда. Ундан олдин ҳам, кейин ҳам барча иш Аллохдандир. Ўша кунда мўминлар шодланурлар. Аллохнинг нусратидан. У хоҳлаганига нусрат берур. Ва У азизу рохиймдир.

Яъни Рум Форсдан енгилди. Бу ходиса арабларга яқин ерда бўлди. Рум ва Форс ерлари Арабистон ярим оролига бевосита чегарадошдир. Ва румликлар бу мағлубиятларидан кейин тезда, санокли йиллар ичида қайтадан голиб бўлажаклар. Румликлар голиб бўладиган кунда мўминлар Аллохнинг нусратидан шодланадилар. Аллох хоҳлаганига нусрат беради. Ва У Зот азиз (барчадан голиб) ва раҳм-шафқатлидир.

Форс ва Рум давлатлари орасидаги қирғинбарот уруш натижаларидан кейин бундай гапларни Аллох таоло айтмаса, одам боласи журъат қилиб айта олмас эди. Хар қандай одамга, шунчалар қашатқич зарбага учраган, тилка-пора бўлиб кетган Рум давлати қандай қилиб бир неча йил ичида қудратли Форс давлатини енга олади, деган фикр қелиши турган гап эди. Шундай бўлди ҳам. Мушриклар қуръоний хабарни масҳара қилиб қула бошлашди. Улар манзарани ўз қаричлари билан ўлчашар, аммо Аллох таолонинг ўлчови бошқа экани ҳаёлларига қелмасди.

Ушбу ходиса ҳақида бир канча ривоятлар қелган. Шулардан бири улуг муфассир ва тарихчи Имом ибн Жарир Табарийнинг Абдуллох ибн Аббос (розияллоху анху)дан қилган ривоятларидир:

«Мушриклар форсликларнинг румликлардан устун бўлишини орзу қилар эдилар.

Мусулмонлар эса румликларнинг форслардан устун бўлишини орзу қилар эдилар. Чунки улар аҳли китоб эдилар. Уларнинг динлари ўзаро яқин эди.

«Алиф. Лам. Мийм. Рум маглуб бўлди. Якин ерда. Ва улар маглубиятларидан кейин тезда голиб бўлажаклар. Санокли йилларда» оятлари нозил бўлганида, мушриклар: «Эй Абу Бакр! Сенинг огайнинг, Рум санокли йилларда Форсдан устун бўлади, демокда-я?!» дейишди. Абу Бакр:

«Тўгри айтади», дедилар. Улар:

«Биз билан гаров ўйнайсанми?», дейишди. Етти йил муддатга тўрттадан туяга гаров ўйнадилар. Етти йил ўтди. Хеч нарса бўлмади. Бундан мушриклар шодланишди.

Мусулмонлар маҳзун бўлишди. Абу Бакр бўлиб ўтган гапни Пайгамбар (соллаллоху алайхи ва-саллам)га зикр қилдилар. У Зот (соллаллоху алайхи васаллам):

«Сизнингча, «бизъу» (санокли йиллар) қанча?», деб сўрадилар. Абу Бакр:

«Ўндан оз», деб жавоб қилдилар. Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам:

«Бор, гаровнинг устига яна зиёда қил ва муддатни икки йилга ошир», дедилар. Икки йил ўтмай туриб отликлар келиб, Рум Форс устидан голиб келганининг хабарини бердилар. Мўминлар бунда шодланишди!»

(Илова: У вақтларда гаров ҳаром бўлмаган эди. Ояти қаримада Рум «бизъа» – санокли йилларда голиб келиши айтилган эди. Демак, ўн йилдан оз муддатда, деганидир. Шунинг учун ҳам мушриклар етти йил ўтса ҳам, бир гап бўлмаганидан ҳупсанд бўлдилар. Аммо Пайгамбаримиз (алайхиссалом) ояти қаримада айтилган нарса бўлишига тўла ишончда эдилар. Шунинг учун ҳам у Зот ҳазрати Абу Бакрга гаров қийматини оширишни иршод қилдилар. Аллохнинг айтгани содир бўлди.)

Ҳа, мазкур оятларда айтилганидек,

«Ўндан олдин ҳам, кейин ҳам барча иш Аллохдандир».

Яъни румликларнинг маглубиятга учрашларидан олдин ҳам, ундан кейин ҳам дунёдаги барча ишлар Аллохнинг иродасига боғлиқ эди ва шундай бўлиб қолади. Фақат У Зотнинг хоҳлагани бўлади. Аллох таоло румликларнинг санокли йилларда галаба қозонишини айтган эди. У қун келади. Ва:

«Ўша қунда мўминлар Аллохнинг нусратидан шодланурлар».

Шундай бўлди ҳам. Аллох румликларга галаба берди. Мўминлар бундан шодландилар.

«У хоҳлаганига нусрат берур».

Аллох таоло қимга хоҳласа, шунга нусрат беради. Унинг хоҳишига ҳеч қим тўсик бўла олмайди.

«Ва У азизу рохиймдир».

Аллох азиз, ҳаммининг устидан голиб ва барчага меҳрибондир. Маълумки, Аллох таоло вақти-соати келиб румликларни форсдан, мусулмонларни мушриклардан устун қилди. Бу оятлар тушган пайтда ҳеч бир одам боласи румликлар форсдан, мусулмонлар мушриклардан голиб келишини тасаввурига сигдира олган эмас. Лекин орадан оятда айтилган санокли йиллар – тўққиз йил ўтиб, румликлар форсликлар устидан голиб келдилар. Айни вақтда, мусулмонлар Бадр урушида ўзларига нисбатан сон ва қурол жиҳатидан бир неча марта устун бўлган мушриклар устидан инсоният тарихини ўзгартирган галабага эришдилар. Ҳамда Аллох ваъда қилган нусратга етишиб, шод бўлдилар.

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф (роҳимахуллох)

